

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК БИТИМИ

№ 8

Ушбу Битим бир томондан **Тошкент давлат шарқшунослик университети** (битим матнида ТДШУ) номидан университет ректори Г.Ш.Рихсиева ва иккинчи томондан

Ханъ демократик партияси шўъба кенгаши
наҳс (битим матнида) Ҳамкор ташкилот номидан
У.Н. Ҳасанов томонидан икки ташкилот (битим матнида)

Томонлар) ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича тузилди.

1. БИТИМНИНГ МАҚСАДИ ВА ПРЕДМЕТИ

1.1. Битим Ўзбекистон Республикасиининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалиётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори, 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680 қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тузилди.

1.2. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, Томоилар ўртасида инновацион характердаги ўқув-методик ва илмий ҳамкорликини йўлга қўйиш Битим предмети ҳисобланади.

1.3. Ҳамкорликнинг молиявий масалалари ушбу Битим ёки унинг асосида тузиладиган қўшимча буйруқлар орқали йўлга қўйилади.

2. ТОМОНЛАРИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Томонлар ушбу битимда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида иборат инновацион ишчи гуруҳини шакллантириб, ижро мониторингини юритадилар.

2.2. Томоилар илғор хорижий тажрибалар асосида рақобатбардош кадрларини иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлашда ҳамкорлик қиладилар.

2.3. Томоилар мутахассислар тайёрлаш мазмуни, кадрларнинг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган талаблар, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжига мос равишда янгилаш, тасдиқлаш ва такомиллаштириб боришда ҳамкорлик қиладилар.

2.4. Томонлар профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ва талабалар билан тармоққа (соҳага) оид янгиликлар, соҳани ривожлантириш истиқболлари, таълим мазмунини такомиллаштириш, таълим-фан интеграцияси, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, талабалар амалиётини ташкил этиш ва тегишли вазифаларини белгилаб олиш юзасидан доимий учрашувлар ўтказиб борадилар.

2.5. Томонлар ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш муаммоларига бағишланган илмий ва амалий мавзулар базасини шакллантирадилар, бу муаммоларни ўзаро хўжалик шартномалари асосида ўзаро илмий салоҳиятни, айниқса, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли жалб этган ҳолда тадқиқ этадилар. Тегишли йўналишлардаги илмий ишлар (курс ишлари, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, докторлик диссертациялари)нинг мавзулари, илмий ишларга раҳбарлик, оппонентлик ва

такризлар бериш масалалари ўзаро мувофиқлаштирилиб, ТДШУ Кеигашида тасдиқланиши ва ҳимоя қилинишини йўлга қўядилар.

2.6. Ҳамкор ташкилот амалиёт базаси сифатида кўиикма амалиётини ўташ учун ТДШУ талабалари ва тадқиқотчиларига шароит яратиб, амалиёт раҳбарлигига ўзининг етакчи мутахассисларини бириктиради. ТДШУ талабаларининг Ҳамкор ташкилот томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва амалиёт шартларига тўла рия қилишларини таъминлайди.

2.7. Ҳамкор ташкилот ТДШУ битирувчиларни тегишли мутахассислиги доирасида ишга жойлаштириш бўйича таклифларини тақдим этади ва ҳамкорликда аниқ чоралар кўради.

2.8. Ҳамкор ташкилот илмий-услубий тадқиқотлар базаси сифатида ТДШУ профессор-ўқитувчилари, талабалари, тадқиқотчилари томонидан илмий тадқиқотлар, илмий лойиҳалар, монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда ҳамкорлик қиладилар.

2.9. Томонлар ТДШУ ўқув режаларидаги мутахассислик фанларини ўқитишда, мутахассислар, илмий ва педагогик ходимлар, айиикса, магистрант ва ёш тадқиқотчи олимларнинг ўзаро ҳамкорликда ташкил этиладиган илмий ва ўқув-услубий тадбирларда иштирокини таъминлайдилар.

2.10. Томонлар илм-фаннинг муҳим масалалари бўйича республика ва халқаро миқёсдаги илмий ва амалий аижуманлар ўтказишда ҳамкорлик қиладилар.

2.11. Томонлар мутахассислар, педагоглар, тадқиқотчилар, талабалар учун ҳар икки муассаса кутубхоналари ва фондларидан эркин фойдаланишга зарур шароитларни яратадилар.

2.12. Ҳамкор ташкилот ўзаро илмий, услубий ахборот алмашииуви тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ахборотларининг ягона электрон базасини шакллантиришда амалий кўмак беради.

2.13. Томонлар Ҳамкор ташкилот мутахассисларининг ТДШУ таркибидаги шарқшунос кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида шартнома асосида ўқишлари ва белгиланган намунадаги малака сертификатларини олишлари бўйича ҳамкорлик қиладилар.

3. БИТИМНИНГ КУЧГА КИРИШИ

3.1. Битим Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 5 йил давомида амал қилади.

3.2. Битим тугашига бир ой қолганда, Томонлар ёки улардан бири ёзма равишда уни бекор қилмаса, у яна кейинги беш йил муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

3.3. Битимда кўрсатилган шартлар бузилса ёки Томонлар ўртасида бошқа келишмовчиликлар келиб чиққанда унинг амал қилиши уларнинг ёзма талаби билан бир муддат тўхтатиб қўйилиши мумкин.

3.4. Битим доирасидаги келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунилари асосида ҳал қилинади.

3.5. Битим икки нусхада тузилди ва уларининг иккаласи тенг ҳуқуқий кучга эга.

Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори

Г.Ш.Рихсиева

2020 йил "24" декабр

Халқ демократик
партияси
Ф. Имом

2020 йил "24" декабр